

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Qiziriq paxta tozalash" AJ

Объявление

"QIZIRIQ PAXTA TOZALASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ

“ҚИЗИРИҚ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Қизириқ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2019 йил 26 ноябрь куни соат 10⁰⁰ да Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Мустақиллик кўчаси, 1-уйда жойлашган “Қизириқ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 09⁰⁰ бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: qiziriqpaxtatozalash.uz

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

- 1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.**
- 2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.**
- 3. Жамият акциядорларининг 2019 йил 28 июндаги 1-сон навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорининг 2, 4 ва 5 бандларини бекор қилиш.**
- 4. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.**
- 5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон ҳамда 2019 йил 18 мартдаги 230-сон қарорларига асосан сотилиши назарда тутилган “Қизириқ пахта тозалаш” АЖ ва унга қарашли “Завод қоши” ва “Пахтакор” пахта тайёрлов масканларининг бино-иншоотларини баҳолаш қийматидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр махсулотни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон қарорнинг 5-бандида қайд этилган чегирмаларни тақдим этишни кўриб чиқиш.**

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2019 йил 04 ноябрь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2019 йил 20 ноябрь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Қизириқ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

*Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:
Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Мустақиллик кўчаси, 1-уй.*

Веб-сайт: qiziriqpahtatozalash.uz Телефон: +998 93 762-49-49.

08.11.2019

Источник: <http://openinfo.uz/ru/announce/7752/>

Дата: 07.12.2019